

Эслатма: Қуръони Каримни тиловат қилдингизми?



11:41 / 19.08.2023 2558

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир кеча ва кундузда эллик оят ўқиган одам ғофиллар қаторида ёзилмайди, юз оят ўқиган киши кечани ихё қилиб, Аллоҳнинг ибодатида узоқ турувчи, деб ёзилади, икки юз оят ўқиган киши билан Қуръон қиёмат куни ҳужжат талашмайди, беш юз оят ўқиган одамга эса, бир неча қинтор ажр ёзилади», дедилар.

Ибн Сунний ривоятлари.

Бошқа ривоятда: «Эллик оят ўрнига қирқ оят», деб айтилган.

Бошқа ривоятда: "Йигирма оят", деб айтилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда эса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ўнта оят ўқиса, ғофиллар қаторида ёзилмайди», деганлар.

Бир кеча ва кундузда ўқилиши лозим бўлган суралар ҳақидаги кўп ҳадисларни зикр қилдик. Улар Ёсин, Таборак-Мулк, Воқеъа ва Духон сураларидир. Бу сураларни ҳар куни ўқиб юриш лозим.